

МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

Бобобеков Эргаш Абдумаликович

ТДИУ мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: Мақолада миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари тасмиллаштириш билан боғлиқ жараёнлар тадқиқ этилган. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш жараёнларига таъсир кўрсатувчи омилларни мамлакат инвестицион фаолият самарадорлига таъсири баҳоланган. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари доирасида мавжуд камчиликлар аниқланган. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш тизимини тасмиллаштиришга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар: технологик ноу-хау, ижтимоий-иқтисодий тизим, патентлаштириш даражаси, инновация муҳити, инновацион самарадорлик.

Аннотация: В статье рассматриваются процессы, связанные с привлечением иностранных инвестиций в национальную экономику и совершенствование способов их эффективного использования. Оценены факторы, влияющие на процессы привлечения иностранных инвестиций и их эффективное использование, а также их влияние на эффективность инвестиционной деятельности страны. В рамках путей привлечения иностранных инвестиций и их эффективного использования выявлены имеющиеся недостатки. Сформулированы научное предложение и практические рекомендации по совершенствованию системы привлечения иностранных инвестиций в национальную экономику.

Ключевые слова: технологические ноу-хау, социально-экономическая система, уровень патентования, инновационная среда, эффективность инноваций.

Abstract: The article examines the processes related to attracting foreign investments to the national economy and improving the ways of their effective use. Factors influencing the processes of attracting foreign investments and their effective use were evaluated, and their impact on the effectiveness of the country's investment activities. In the framework of ways of attracting foreign investments and their effective use, existing shortcomings have been identified. A scientific proposal and practical recommendations on improving the system of attracting foreign investments to the national economy have been formulated.

Key words: technological know-how, socio-economic system, level of patenting, innovation environment, innovation efficiency.

Кириш

Объектларни бошқаришнинг сифати ва самараси операцияларни таҳлил этиш усуллари ҳозирги даврдаги тизимли ёндашувнинг функционал таҳлил ёрдамида ифодаланиши иқтисодий учун XX асрдаги иқтисодий кашфиёт ҳисобланади. Лекин тизимли ёндашув иқтисодийнинг мураккаблиги туфайли кам қўлланилади. Бу бошқариш фалсафаси бўлиб, ўтиш даврида омон қолиш, мураккаб жараёнларни оддий жараёнларга айланиши, абстрактдан конкретга ўтишни ифодалайди.

Бозор тамойилларидан кенг фойдаланиш шароитида янги технологияларнинг кучайиб бориши, маҳсулот ва хизматларнинг рақобатчилик муҳитига мослашган ҳолда яратилишини тақозо қилмоқда ва бу жараёнда инновация ютуқларидан фойдаланиш тизимини ҳаётини зарурат қилиб қўйди. Мамлакатимизда иқтисодийнинг рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили бўлган инновацияларга устувор йўналиш сифатида эътиборнинг қаратилиши амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёни хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини сезиларли даражада ўзгариши ва улар фаолиятини бозор талабларига мослаштириш заруриятидан келиб чиқмоқда. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини самарали ривожланишини таъминловчи инновацион фаолиятни бошқаришга алоҳида эътибор қаратишни талаб қилмоқда. Чунки, инновацион фаолият бозор муносабатлари шароитида тадбиркорликнинг илғор шакли бўлиб ҳисобланади ва у бозор иқтисодиётида илмий-техника тараққиётини ривожланиши учун реал имкониятлар яратади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари шакллантириш доирасидаги қатор тадқиқот изланишлари хорижлик иқтисодчи олимлардан С.Лиесбетх, М.Миет, С.Жо илмийизланишларида алоҳида аҳамият касб этади. Тадқиқотчилар фикрича, ўтиш даври мамлакатларида иқтисодийни либераллаштириш жараёни тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш тизимини такомиллаш-тиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Тўғридан-тўғри капитални тўплаш ва технологик ноу-хау орқали миллий корхоналарга технологиялар ва билимларни жалб қилиниши иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлайди.

П.Михаела, А.Вақар, Х.Ҳелиан тадқиқотларида миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг институционал механизми

тадқиқ этилади. Тадқиқот натижаларига мувофиқ мамлакат иқтисодиётидаги институционал сифат ўзгаришларининг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш тизимига ижобий таъсир кўрсатиши қайд этилади.

В.Д.Андрианов илмий тадқиқотларида миллий иқтисодиёт инвестицион салоҳиятининг назарий асослари ўрганилган бўлиб, инвестиция салоҳияти доирасидаги концепциялар назарий жиҳатдан умумлаштирилган, уни ошириш учун молиявий имтиёз-лардан тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган.

М.В.Чараева илмий тадқиқотларида ташкилотларнинг реал сармояларини молиявий бошқариш жараёнларининг концептуал асослари ўрганилган. Инновацион йўналтирилган иқтисодиёт шароитида реал сармояларни стратегик молиявий бошқариш хусусиятлари баён этилган.

Ф.У.Умаров тадқиқотларида иқтисодиётнинг тегишли тармоқ ва соҳаларига инвестиция жалб қилиш кўламини кенгайтиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинади.

А.Бурханов тадқиқотлари орқали ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг илмий-назарий жиҳатлари ўрганилиб, ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг муаммоли жиҳатлари асосланган ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Р.Х.Бозоров илмий изланиш-ларида инвестиция муҳитининг омиллари, хусусиятлари, хорижий инвестиция-ларни жалб қилиш миллий иқтисодиётнинг халқаро индексларда иштирокига бевосита боғлиқлиги тадқиқ қилинган.

Тадқиқот методологияси

Илмий мақолани ёзиш жараёнида илмий тадқиқотни амалга оширишнинг тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий ва селектив танлаб тадқиқ қилиш, монографик таҳлил ва гуруҳлаш усуллари қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар

Кейинги йилларда иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришлар натижасида ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноатнинг улуши 2000 йилда 14,2 фоиздан 2019 йилда 36 фоизга етди. Натижада ҳозирги кунга келиб саноат маҳсулоти умумий ўсишининг қарийб 70 фоизини юқори қўшилган қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳаларни ташкил этмоқда. Шунинг учун ҳам

сўнги йилларда қўлга киритилган натижалар халқаро жамоатчилик ва кузатувчилар, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан юксак баҳоланмоқда.

Бу эса, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг сезиларли даражада ортаётганлигидан далолат беради. Шунинг учун саноат корхоналарида инновацион жараёнларни тезлаштириш эвазига ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни кенг жорий этиш, маҳсулот ва хизмат турларини муттасил янгилаб бориш негизида уларнинг рақобатбардошлигини таъминловчи механизмларни ривожлантириш миллий саноатни модернизациялашнинг устувор йўналишига айланган.

Ижтимоий-иқтисодий тизимнинг муҳим хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- илмий билимларнинг интеграллашуви, бир-бири билан боғлиқ бўлган фанлар миқдорининг кўпайиб боришидаги муаммолар;
- муаммоларнинг комплекс ҳолда эканлиги ва уларни техник, иқтисодий, ижтимоий, психологик ва бошқа қирраларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш зарурлиги;
 - муаммолар ечими ва объектларнинг мураккаблашуви;
 - объектлар ўртасида алоқалар сонининг ўсиши;
 - ўзгарувчан ҳолатларнинг динамиклиги;
 - ресурсларнинг ноёблиги;
 - ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнлари элементларининг автоматлашуви ва стандартлаштириш даражасининг ошиб бориши;
 - рақобатнинг, ишлаб чиқаришнинг, кооперациялашуви стандартлашув ва ҳоказоларнинг байналминаллашуви;
 - бошқариш ва ҳоказоларда инсон омили ролининг ошиб бориши.

Айтиб ўтилган белгилар тизимли ёндашув усулини қўллашни талаб этади, чунки, бизнинг назаримизда унинг асосида бошқарув қарорлари сифатини оширишга эришилади. Тизимли ёндашув – объектни тизим сифатида таҳлил этиш методологияси ҳисобланади. Ижтимоий-иқтисодий тизим икки қисмдан иборат:

- ташқи муҳит, у кириш ва чиқиш тизимидан иборат ва ташқи муҳит билан алоқа (дастлаб ичига эътибор бериш)ни ифодалайди;

- ички таркиб – бошқариш субъектларини объектга таъсирини тизимга кириш ва чиқишни таъминлайдиган ўзаро боғлиқ бўлган компонентлар йиғиндисидан иборат.

Функционал ёндашув. Менежментга функционал ёндашувнинг моҳияти эҳтиёжларга, уни қондириш учун керак бўлган вазифалар йиғиндиси сифатида қаралишини ифодалайди. Вазифалар белгиланганидан сўнг уларни бажариш учун бир нечта муқобил объектлар ишланади ва уларнинг ичидан ҳаёт даврида фойдали самара бирлигига сарфланадиган минимум ялпи харажатлар талаб этадигани танлаб олинади.

Предметли ёндашув. Ҳозирги даврда бошқаришда асосан предметли ёндашувдан фойдаланилади, унинг ёрдамида мавжуд объект ривожлантирилади. Масалан, мавжуд бўлган техник тизим илмий-техника тараққиёти таҳлили, истеъмолчиларнинг таклифларини маркетинг тадқиқотлари ёрдамида ўрганиш ва унинг натижаларига асосланган ҳолда такомиллаштирилади.

Предметли ёндашувдан фойдаланган ҳолда инвестор ва менежерлар кечаги кунга етиб олишга ҳаракат қиладилар ва ҳеч қачон жаҳон даражасига кўтарила олмайдилар. Ижтимоий-иқтисодий тизимнинг ривожланишига предметли ёндашувдан фойдаланган ҳолда менежерлар такомиллаштиришнинг мавжуд тизимидан фойдаланадилар. Тажрибада менежерлар мавжуд бўлган ишчи ва ходимларга иш топиш муаммоси билан шуғулланадилар. Функционал ёндашувда истеъмолдан ташқарига «чиқиш» талабидан «кириш» имкониятига қараб ҳаракат қиладилар.

Маркетинг ёндашуви. Маркетинг йўналиши менежмент тизимидаги кичик тизимни бошқаришда истеъмолчиларга мўлжалланган ҳар қандай вазифа ечимини топишга қаратилади. Масалан, корхона стратегияси мавжуд бўлган ва келажакда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва хизматларга бўлган талаб ва таклифларга асосланади. Келажакда стратегия эҳтиёжларни, бозор сегментацияси стратегиясини функционал ва предметли ёндашувнинг белгиларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

4-жадвал

Инновацион жараёнларда функционал ва предметли ёндашувларнинг фарқлари

Белгилари	Предметли ёндашув	Функционал ёндашув
Маркетинг тадқиқотларнинг кўлами ва сифати	Аҳамиятли эмас	Аҳамиятли
Мавжуд маҳсулотдан бозор эҳтиёжларининг даражаси	Тўлиқ эмас	Тўлиқ

Маҳсулотни такомиллаштиришда техник ёндашув	Ишлаб чиқарилаётган моделдаги маҳсулотга мослаштириш асосида	Мутлақ янги маҳсулотни ишлаб чиқариш асосида
Маҳсулотни янгилашни режалаштиришда таққослаш асоси	Рақобатчиларнинг энг янги намуналари	Бозордаги янги чиқарилаётган маҳсулотларга нисбатан янгиларини ишлаб чиқиш
Маҳсулотнинг янгилик даражаси (патентлаштириш даражаси)	Ишлаб чиқарилган маҳсулотни такомиллаштириш	Янги сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқиш
Ишланмаларда меҳнат сиғими ва янги маҳсулотларни ўзлаштириш	Паст	Юқори
Технологияларнинг янгилик даражаси	Паст	Юқори
Ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этиш	Мавжуд тузилмани такомиллаштириш	Янги корхонани лойиҳалаштириш
Бозорни ўзлаштириш даражаси	Тўла ўзлаштирилган	Бозор эски ёки янги бўлиши мумкин
Маҳсулотни рақобатбардошлиги	Паст	Юқори

Маркетинг ёндашувидан фойдаланилганда менежмент мезонини танлашнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлади:

- истеъмолчиларнинг истакларига мос равишда объектнинг сифатини ошириш (тизимдан чиқиш);
- объектга хизмат кўрсатиш ва бошқа омиллар сифатини ошириш ҳисобига истеъмолчилар ресурсларини тежаш;
- кўлам омилини амалга ошириш, илмий-техника тараққиёти, менежмент тизимини такомиллаштириш асосида ишлаб чиқариш объектларида ресурсларни тежаш.

Хўжалик юриштишнинг марказий-режалаштириш тизимида ишлаб чиқаришга ёндашишнинг устувор муқобил йўналиши қуйидагилардан иборат бўлган:

- маҳсулот таннархини пасайтириш, баъзида таннархни оширишдан фойдали бўлган;
- маҳсулот сифатини ошириш, истеъмолчининг маҳсулотга сарфлари белгиланмаган ва бошқарилмаган.

Замонавий бозор шароитида мурасасиз рақобатнинг тобора кучайиб бориши корхоналарни юқори даражадаги интеллектуал салоҳият ва самарали

технологияга асосланган инновацион фаолиятни ташкил этишни талаб қилмоқда. Шу боисдан, инновацион фаолият билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда асосий эътиборни инновацияларни яратувчанлик салоҳияти билан биргаликда, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун эса мамлакатда инновацион фаолият билан шуғулланувчи корхоналар ва илмий тадқиқот муассасалари ўртасида инновацион ҳамкорликни яхшилаш, уларнинг моддий баъзасини янада такомиллаштириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, яратилаётган инновацияларни ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этиш бўйича самарали механизмни шакллантириш каби масалаларини ҳал қилиш лозим.

Инновацион фаолият билан шуғулланаётган корхоналарга – янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотлар, хизматлар, технологиялар ёки ишлаб чиқариш усуллари ва бошқа инновацион фаолият турларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш мақсадида ташкил этилган инновацион фаолият (инфратузилма) субъектига айтилади.

Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида инновация инсоният тараққиёти ва иқтисодий ўсишнинг асосий омилига айланмоқда. Инновацияларни алоҳида корхоналар ва қолаверса, бутун иқтисодиётнинг фаолият кўрсатишига таъсирини муҳим аҳамияти мамлакатимиз ва хорижий иқтисодчилар томонидан тадқиқ этилган ҳамда ўрганилган.

“Инновацион корхоналар” атамаси “инновация” сўзи моҳиятини очиб берилиши билан тавсифланади. Шунини таъкидлаш керакки, бу тушунчага ўзбек, рус ва хориж адабиётларида ҳам кўплаб таърифлар берилган. “Инновацион корхона” тушунчаси негизида “инновация” ҳамда “новация” сўзлари ётади.

Бугунги кунда инновацион корхоналар фаолиятини ташкил этишда хориж тажрибасига таяниб, илмий тадқиқотлар натижасидан келиб чиқиб амалиётга жорий қилиш муваффақият келтиради. Аммо, замонавий корхоналарнинг инновацион фаолиятини самарали ташкил этиш жараёнига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Буларга:

– корхонанинг инновацион салоҳияти (корхонанинг илмий салоҳияти, ходимларнинг инновацион бизнес соҳасидаги билимларга эгаллик даражаси, илмий тадқиқотларга жалб қилинган мутахассислар сони, корхонанинг инновацион маҳсулот яратишда замонавий жиҳозлар билан таъминланган лабораторияларнинг мавжудлиги ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлиги);

– корхонанинг жойлашган ҳудудлар иқтисодий салоҳияти (фаолият юритувчи корхоналар сони ва фаолият турлари, улар ўртасида рақобат муҳитининг шаклланганлиги, уларнинг географиясидан келиб чиқиб инновацияларни ўзлаштира олиш имкониятлари);

– корхонанинг кадрлар салоҳияти (ходимларнинг мутахассисликлари ва илмий даражалари, айнан инновацион маҳсулот яратиш учун жалб қилинган ходимлар сони ва бошқалар);

– корхонанинг инвестицион салоҳияти (инновацияларни яратиш ёки уларни амалиётга татбиқ этишдаги харажатларни тўла молиялаштириш имкониятлари, инновацияларни яратишдаги тадқиқотлари ва ходимларнинг иш ҳақи бўйича салоҳияти ва бошқалар).

Замонавий корхонанинг инновацион маҳсулотларни яратишдаги илмий салоҳияти унда олиб борилаётган илмий тадқиқот натижаларининг сифати ва сонига таъсир этувчи энг асосий омиллардан бири ҳисобланади. Ходимларнинг хорижий тажрибаларга эгаллиги ва ўз соҳалари бўйича етарли билимга, замонавий фан-техника ютуқларини тезкорлик билан ўзлаштира олиш қобилиятига эгаллиги, турли соҳаларда мавжуд муаммоларни аниқ кўра билиши ва ўз билимларини ана шу муаммоларни ҳал этишда қўллаш олиши корхоналарнинг инновацион фаоллигини, яратилган инновацияларнинг ишлаб чиқаришга татбиқ этилиш имкониятини оширади.

Инновацион корхоналар фаолияти бўйича хориж амалиётига эътибор қаратадиган бўлсак бу борада Жанубий Кореяни мисол келтиришимиз мумкин. Жумладан, Корея Республикаси Халқаро инновацион индексда 12-поғонани эгаллаб, ҳатто Япония, Италия, Финляндия каби мамлакатлардан ҳам юқори ўринда туради. Блумберг Инновацион Индекси рейтингида эса илмий тадқиқотлар, олий таълим тизими ва патент фаолияти бўйича дунёда етакчи ўринни эгаллайди. Корея давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, бугунги кунда 3,35 миллиондан ортиқ кичик ва ўрта инновацион корхона фаолият юритиб келмоқда, бу рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектларнинг 99,9 фоизини ташкил этади. Ўз навбатида, аҳолининг иш билан таъминлаш даражаси эса 87,7 фоизни ташкил этади. Бу инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, айниқса ёшларнинг стартап лойиҳаларини ишга туширишда ўзига хос қулай шарт-шароитлар яратилиши туфайли эришилган натижалардир.

Корхона ва ташкилотлардаги инновацияларнинг иқтисодий таркиби авваломбор, доимий ҳисобланган ишлаб чиқариш ресурсларини эркинлаштириш учун хизмат қиладиган параметрларда ифодаланади. Бунда энг аввал корхоналардаги материал, меҳнат, фонд сифимлари кўрсаткичлари ўзгаради. Бу асосий кўрсаткичлар корхоналарнинг иқтисодий тараққиёти

турли босқичларида турли даражадаги инновация жараёнлари таъсири остида бўлади. Жумладан, ишлаб чиқариш жараёнида қўл меҳнатидан автоматлашган меҳнатга ўтиш босқичида ишлаб чиқаришнинг меҳнат сиғими ва фонд сиғимида ўзгаришлар юз беради, яъни меҳнат сиғимининг қисқариши фонд сиғими ошишига олиб келади.

Корхоналарнинг инновацион самарадорлигини ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва ошириш учун уларни ички ва ташқи миқёсда асосли классификациялаш зарур. Инновацияларнинг ўйлаб топилган ва илмий асосланган классификацияси уларни нафақат оқилона ҳисобга олиш, балки қўллаш даражасини ҳам ҳар томонлама таҳлил этиш ва шу асосда самарали инновация сиёсатини, жумладан, корхонанинг инновацион салоҳияти учун ишлаб чиқариш ва амалга ошириш борасидаги зарур маълумотга эга бўлиш имконини беради.

Корхоналар фаолиятига фан-техника тараққиётидан фарқли равишда, инновация жараёнини татбиқ этиш босқичи, яъни бозорда янги маҳсулот, хизматнинг илк бор пайдо бўлиши, янги технологиянинг лойиҳа даражасига етиши билан тугалланмайди. Бу жараён татбиқ этишдан кейин ҳам узилмайди, у ёйилиш даражасига қараб, янгилик мукаммаллаштирилади.

Натижада аввал маълум бўлмаган истеъмолчилик хусусиятлари ҳосил бўлади. Бу эса корхоналар учун янги бозорлар ва қўлланиш соҳаларини очади, ўз навбатида мазкур маҳсулот, технология ва хизматларни ўзлари учун янги сифатида қабул қиладиган истеъмолчиларни топади.

Корхоналар учун бу жараён татбиқ этилгандан кейин ҳам инновацион фаолият узилмайди, унинг қамраб олиш ва ёйилиш даражасига қараб, янгилик мукаммаллаштирилиб борилади ва аввалгисига нисбатан анча самаралироқ кечади. Аввал маълум бўлмаган янги истеъмол хусусиятлари ҳосил бўлади. Бу эса, унинг учун янги бозорлар ва қўлланиш соҳаларини очади, ўз навбатида, мазкур маҳсулот, технология ва хизматларни ўзлари учун маъқул истеъмолчиларни топади. Шундай қилиб, бу жараён бозор талаб қиладиган маҳсулотлар, технологиялар ёки хизматларни яратишга йўналтирилган ва у албатта, амал қиладиган ва ривожланадиган ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг суръатлари, мақсадларига боғлиқ бўлади.

Хулоса ва таклифлар

Бугунги кунда Ўзбекистон корхоналари учун иқтисодий ҳолатни баҳолашга мос келадиган “инновация муҳити” ибораси бўлғуси инновациялар учун корхоналар жозибадорлигини тавсифлайди. Инновация муҳитини баҳолашда одатда бир қатор параметр ёки белгилар қўлланилади. Мазкур параметрлар корхонанинг инновацияларни жорий этиш салоҳияти ва

уларни амалга ошириш таваккалини тавсифловчи белгилардир. Уларнинг энг асосийлари қуйидагилардир:

- макроиктисодий барқарорлик;
- инновация фаолиятининг ҳуқуқий асослари;
- солиқ тизимининг сифати ва солиққа тортиш даражаси;
- банк тизими ва бошқа молиявий институтлар ҳолати ва ишончлилиги;
- инфратузилманинг ривожланиш даражаси;
- ҳамкорлар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилиши;
- давлат бошқарув тизими.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ5544-сон Фармони, 21.09.2018 й. <https://lex.uz/ru/docs/3913188>
2. Мирзиёев Ш.М. Олий мажлисга мурожаатномаси <https://uza.uz/uz/posts/zbekistonrespublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>
3. Шумпетер Й. Теории экономического развития. / Й. Шумпетер. – М.: Экономика, 1995й.– 540 с.
4. Дандон Э. Инновации: как определять тенденции и извлекать выгоду / Э. Дандон. - М.: Вершина, 2006.– 304 с.
5. Храмова Н.А., Ахматова А.А. Теоретические основы управления инновационной деятельности предприятия. // Стратегии бизнес / Электронный научно-экономический журнал. № 10 (54). 2018. С.– 18-22.
6. Маманазаров М. Инновациялар – енгил саноат корхоналарини бошқаришда иқтисодий барқарорлик ва ривожлантириш омили// Биржа Эксперт. –Тошкент, 2010. –№11-12. –Б. 26-28.
7. Мамасаатов Т. “Инновация”, “инновацион фаолият” ва “инновацион иқтисодиёт” тушунчаларининг назарий талқини// Иқтисодиёт ва таълим. –Тошкент, 2012. –№2. –Б. 67-68.